

Сака Туркиядаги зилзиладан жабр кўрган 26 оилага уй-жой учун пул тўлади





11:05 / 22.06.2023 1639

Футболчи Bigshoe хайрия лойиҳаси томонидан уюштирилган акцияда иштирок этиб, оилалар учун уй-жой пулини тўлаган. Бу оилалар ётоқ ва яшаш хоналари, ошхоналар ва ҳаммомларни ўз ичига олган контейнерларга жойлаштирилади. «Арсенал»нинг собиқ аъзоси Месут Ўзил хайрия учун Букайога миннатдорчилик билдирди.

«Бошида томи бор ҳар бир киши ўзини бахтли деб билиши мумкин. Фалокат бу одамлардан бор нарсаларини олди ва бу уларнинг айби эмас. Уларга ёрдам бериш ва нимадир бера олиш мен учун жуда муҳим», дейди «тўпчилар» вингери.

Этиборлиси, Букайо ўтган йили Нигериядаги 120 боланинг бош мия операцияси учун харажатларни қоплаганди.





Mesut Özil @M10 ·

Amazing work from [@BukayoSaka87](#) & [@BigShoe_11](#) - thanks for your great support in Turkey Bro !! 🇹🇷 🏠